

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН  
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастури”га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 2-Андижон округ сайлов комиссияси (Мирзаев Обоқул) ҳамда 12-Хоразм округ сайлов комиссияси (Жабборов Равшан) раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

– санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамокда сақлаш жойларида сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратган ҳолда сайлов участкаларини тузиш;

– сайлов участкаларини тузишда камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат бўлишлигига қатъий амал қилиш;

– жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан сиёсий партияларнинг аъзоси бўлмаган сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби ҳамда 5-19 нафар аъзодан иборат участка сайлов комиссияларининг шахсий таркибини шакллантириш;

– участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини, шу жумладан интернет тармоғига уланишини назорат қилиш ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ўз вақтида амалга оширилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Шунингдек, ҳар бир сайлов округи ҳудудида камида 2-3 тадан намунали сайлов участкаларини ташкил этиш ва шу жойларда кўргазмали семинарлар ўтказиш чораларини кўрсинлар.

– Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда округ сайлов комиссияларига ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига амалий ёрдам берсинлар.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 3 октябрь,  
№ 744.